Лазер нивелирида текислашнинг афзалликлари:

- суғоришга сарфланадиган сув 20-25 фоизга тежалади;
- тупроқ шўрланишининг камайшига эришилади;
- суғориш вақти, ишчи кучи, энергия сарфи камаяди;
- экинлар бир текисда униб чиқади;
- экинлар бир хил намлик ва озиқа билан таъминланади;
- буғдой-пахта ҳосили гектарига 4-7ц ошади;
- юқори ҳосил фермерлар учун қўшимча даромад манъбаи ҳисобланади.

Ерларни лазер нивелирида текислаш технологиясини оммалаштириш – Республикамизнинг барча вилоятларида кўргазмалар, дала машғулотлари, амалий семинар-тренингларни ташкил қилиш фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг билим савиясини оширади.

Шуни унитманг, **суғорма деҳқончиликда ерларни лазер нивелирида текислаш –** *бу шунчаки тупроқни кўчириш эмас, балки, кам сув, юқори ҳосил ва қўшимча даромад манбаидир!*

Supported by the SDC

Schweizerische Eidgenossenschaft
Confédération suisse
Confederazione Svizzera
Confederaziun svizra

Swiss Agency for Development and Cooperation SDC

Ўзбекистон Республикаси
Сув хўжалиги вазирлиги

Халқаро Оролни Қутқариш Жамғармасининг
GEF Агентлиги
www.aral.uz

ЎЗБЕКИСТОНДА СУВ РЕСУРСЛАРИНИ БОШҚАРИШ МИЛЛИЙ ЛОЙИҲАСИ

100070, Тошкент шахри,
Шота Руставели кўчаси, 15
Тел.:(+99871) 2562985, 2562988
Факс (+99871) 2562985
e-mail: info@nwrmp.uz

ШВЕЙЦАРИЯ ТАРАҚҚИЁТ ВА ҲАМКОРЛИК АГЕНТЛИГИ ТОМОНИДАН МОЛИЯЛАШТИРИЛАЁТГАН ЎЗБЕКИСТОНДА СУВ РЕСУРСЛАРИНИ БОШҚАРИШ МИЛЛИЙ ЛОЙИХАСИ

СУҒОРИЛАДИГАН ЕРЛАРНИ ЛАЗЕР НИВЕЛИРИДА ТЕКИСЛАШ БЎЙИЧА ТАВСИЯЛАР

Сув хўжалиги ходимлари ва фермерлар дала мактаби қатнашчилари учун қўлланма

ЕРЛАРНИ ЛАЗЕР НИВЕЛИРИДА ТЕКИСЛАШ – КАМ СУВ, ЮҚОРИ ҲОСИЛ ВА ҚЎШИМЧА ДАРОМАД МАНБАИДИР!



ТОШКЕНТ – 2018

Бугунги кун суғорма деҳқончилик тизимида қишлоқ хўжалик экинларини етиштиришдаги сув ресурсларидан самарали фойдаланиш - заҳматкаш деҳқон ва фермерларимиз фаолиятидаги энг муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.



Суғориладиган экин майдонининг текис бўлиши экин даласининг барча қисмларини бир текис намлаш, мелиоратив ҳолатини яхшилаш, уруғларни бир текис ундириш, экинни озиқ моддалар билан бир хил таъминлаш ва уларни бир текис ривожлантириш, суғоришга ишлатиладиган сувни тежаш, унинг самарадорлигини ва экинлар ҳосилдорлигини ҳамда иқтисодий самарадорликни ошириш имкониятларини яратади. Бундан ташқари, дала юзаси текис бўлган майдонларда техник воситаларни ишлатиш енгиллашади, ёқилғи сарфи камаяди ва иш унумдорлиги ортади.

Барчага маълумки, *ерларни анъанавий усулда текислашда 2та ускуна:* трактор ва текислаш ускунаси скрепер ёки қисқа - узун базали текислаш мосламаси иштирок этади.

Ушбу мосламалар бевосита трактор ҳайдовчиси томонидан бошқарилади.



Ер юзасининг паст ва баланд жойлари трактор ҳайдовчиси, ёки фермер тавсиясига кўра кўз билан чамалаб текисланади.



Ушбу анъанавий текислаш усулида дала майдон юзасининг паст - баландлиги ўта аниқ қилиб текисланди деганда ҳам, ҳар бир гектар майдондаги фарқи камида 10±12см.ни ташкил қилади. Бу битта суғориш давомида ҳар бир гектар майдонга керагидан ортиқ 1000±1200 $м^3$ сув сарф бўлди деганидир.



Агар, битта фермер 50 гектар майдонга экин экадиган бўлса ва экинини вегетация даврида 4 марта суғорадиган бўлса, юқоридаги ҳисоб китобларга кўра ҳар бир гектарга 4000-4800$м^3$, умумий дала майдонига эса 200000-240000$м^3$ сув ортиқча сарф бўлади. Шунинг учун ерларни лазер нивелирида текислаш энг долзарб масала ҳисобланади.

Ерларни лазер нивелирида текислаш– дала майдон юзасидаги энг паст ва баланд жойлар фарқи 1±3 см.дан ошмайдиган даражадаги, махсус жиҳозли лазер нивелирли қурилмаларда текислаш усули тушунилади.

